

Талончилик Жиноятининг Илмий Тадқиқот Объекти Сифатидаги Зарурати (талончилик жинояти мисолида)

Эрназаров Отабек Маматқулович

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби
тингловчиси*

Аннотация: Мақолада талончилик жиноятининг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга таъсирини очиқ статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда ёритиб, унга қарши самарали курашишининг илмий йўналишлари илмий асослантирган ўрганилган.

Калит сўзлар: Конституция, инсон ҳуқуқлари, мулк ҳуқуқи, жиноятчиликка қарши курашиши, талончилик, гаразли-зўрлик.

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар натижасида ижтимоий ҳаёт сезиларли даражада яхшилангани, жиноятчиликнинг жиловланганлиги, барча маҳаллаларда хавфсиз, тинч ва осойишта муҳит яратиш, ҳудудларда илғор тажриба ва амалиётларни жорий этиш бўйича муҳим натижалар қўлга киритилганлигини эътироф этиш лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартибига оғишмай риоя этилишини таъминлашдан иборат. Зеро, кўрилган чора-тадбирлар натижасида айниқса охириги йилларда криминоген вазият сезиларли даражада барқарорлашди, МДХ мамлакатларига нисбатан жиноятчиликнинг ўсиши анча камайди.

Буюк Британиянинг Иқтисодиёт ва тинчлик институти томонидан “**Safety Perception Index**” **хавфсизликни баҳолаш индекси**¹ бўйича 2021-2024 йиллар оралиғида мазкур рейтингда Ўзбекистон ўз тарихидаги энг яхши натижани (146 та мамлакат орасида 29-ўрин) қайд этди ва хавфсиз давлат деб тан олинди.

Шунингдек, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида Ўзбекистон ҳар **100 минг аҳолига** нисбатан содир этилган жиноятлар сони (359,5 та) бўйича хавфсиз давлатлардан бири ҳисобланмоқда.

2024 йилнинг 9 ой якунига, **100 минг аҳолига** нисбатан жиноятлар Россияда 981 та, Арманистонда 869,3 та, Беларусда 595,3 та, Молдовияда 514,9 тани, Қирғиз Республикасида 457,2 та, Қозоғистонда 430,8 та қайд этилган².

Бу борада Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкнинг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим

¹ https://www.numbeo.com/crime/rankings_by_country

² Статистик кўрсаткичлар ИИВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош марказининг “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ахборот томонидан қайд этилган маълумотлардан олинган

олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради» деб таъкидлаган³.

Бугунги кунда фуқароларимизнинг мулкӣ муносабатлар юзасидан вуждуга келган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг энг долзарб масалаларидан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур мақолада ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, хусусан талончилик жиноятининг жиноий ҳуқуқӣ ва криминалогик тавсифини илмий ва амалий таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Талончилик жинояти бугунги кун амалиётида бошқа жиноятларга нисбатан кўпроқ содир этилаётгани мазкур жиноятларни олдини олиш ва уларга қарши жиноий-ҳуқуқӣ кураш чораларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими ўз фаолиятини қайтадан кўриб чиқмоқда. Жиноятчиликка қарши курашнинг натижавийлиги, жиноятларни квалификация ва тергов қилувчи идоралар фаолиятининг самарадорлиги билан чамбарчас боғланган норматив ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу ҳолат умуман жиноятчиликнинг ва айниқса, ғаразли-зўрлик ишлатиб содир этиладиган мулкка қарши жиноятларнинг олдини олишга, жиноий ҳодисаларнинг сифат ўзгаришига, хусусан, олдиндан тайёрланган жиноятлар (айниқса, талончилик ва талончилик жиноятларини содир этишда) улушининг пасайишига, криминал профессионализм элементларининг намоён бўлиши, гуруҳӣ жиноятчилик соҳасига тушиб қолган вояга етмаганлар сонининг ортишини олдини олишга ўз таъсирини кўрсатади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда 104 096 та жиноят содир этилган⁴ бўлиб шундан ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга кўра содир этилган жиноятларнинг 0.54% ни талончилик жинояти ташкил этиши, 2023 йилда содир этилган талончилик жиноятлари 2024 йилда 2 фоизга камайганлиги кузатилди. Масаланинг алоҳида аҳамият бериладиган томони шундаки мазкур жиноят кўп ҳоллар шаҳар, вилоят марказларида, одамлар гавжум жойларда содир этилиши кузатилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда талончилик жиноятларига қарши курашиш, унинг олдини олиш ва содир этилган жиноятлар юзасидан адолатли жазо тайинлаш мақсадида баъзи илмий изланишларни олиб бориш зарурати юзага келади. Изланишлар давомида талончиликнинг жиноят-ҳуқуқӣ хусусиятлари масаласи кўриб чиқилиб, уларнинг жиноий-ҳуқуқӣ тавсифи, ўзига хос ҳуқуқӣ баҳо бериш масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилигида талончилик жинояти учун жавобгарликни такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш, ҳуқуқӣ баҳо бериш жиҳатларини назарий ўрганиш, ҳуқуқшунос олимларнинг бу соҳадаги фикрларини мушоҳада қилиш ва илмий таҳлил қилиш, бу борада тегишли илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек унинг натижалари бўлишини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада такомиллаштиришга йўналтирувчи омил сифатида ишлатилиши мақсадга мувофиқлигини илмий назарий асослаб беришдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб тадқиқотни самарали ўтказиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- талончилик жиноятининг тушунчаси, моҳияти ва мазмуни, унинг ижтимоий шартлилиги, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

³ Ш.М.Мирзиёев. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқӣ демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

⁴ <https://xabar.uz/jamiyat/ozbekistonning-qaysi-hududlarida-jinoyat>

- талончилик жиноятининг юридик тавсифи, жавобгарликни таъминлашнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш.
- талончилик жиноятини турдош жиноятлардан фарқлаш, ҳуқуқий баҳо бериш муаммоларини ўрганиш;
- хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида талончилик учун жиноий жавобгарлик масалаларини қиёсий-ҳуқуқий усуллар орқали ўрганиш;
- талончилик жинояти учун жавобгарликни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этиш лозим бўлади.

Талончилик жинояти учун жавобгарликни такомиллаштириш, квалификация қилиш билан боғлиқ назарий қоидаларни ўрганувчи билишнинг диалектик усуллари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармонлари, жиноятчиликка қарши курашнинг стратегик мақсад ва вазифалари белгилаб берилган асарлари хизмат қилди. Тадқиқотнинг услублари статистик, социологик, қиёсий-ҳуқуқий таққослаш, тарихий, мантиқий каби усулларни ўз ичига олади. Усулларнинг норматив асос сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўрганилаётган муаммога оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят, жиноят процессуал қонунлари, шу билан бир қаторда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди ҳамда хорижий олимларнинг жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, криминалистика, шунингдек, бошқа юридик илмий асарлари тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳотлари асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жиноятчиликка қарши курашнинг замон талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда ҳимоясини таъминлаш муҳим омил деб эътироф қилинди.

Жиноятчиликка қарши курашни самарали амалга ошириш, унинг оғир ва ўта оғир турларига қарши курашиш самарадорлигини ошириш билан бирга, юридик фан ва амалиёт олдида янги вазифалар қўймоқда.

Ҳозирги кунда мулк шаклидан катъий назар уни ҳимоя қилиш бирламчи аҳамият касб этиш билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг бир кўриниши тарзида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳар қандай мулк ҳуқуқнинг бузилиши, хусусан, талончилик жинояти содир этилганда шахсларда ишончсизлик, қўрқув ҳиссини туғдиради. Бу ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, яъни жиноят қонуни нормаларини қўллашни тақозо этади. Қайд этиш жоизки, амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чораларга қарамай, мазкур қилмиш умумий жиноятчилик тизимида жиддий ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари, статистик маълумотларнинг таҳлили республикамизда талончилик жиноятларининг фош этилиши олдинги йилларга нисбатан камайганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, терговдан тўхтатиб қўйилган жиноят ишлари ва очилмаган жиноятларнинг сони эса камаймасдан, йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу эса ички ишлар органларининг ушбу турдаги жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш бўйича етарли даражада малакага эга эмаслиги, далилларни аниқлаш ва тўплашга жиддий ёндашмаслиги, дастлабки тергов жараёнида тергов, тезкор-қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа хизматлар билан ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, криминалистик ва бошқа ҳисоблардан, мутахассислар ёрдамидан ўринли фойдаланмаслигининг оқибати ҳисобланади. Мазкур тадқиқот жараёнида талончилик жиноятларини фош этиш юзасидан амалга ошириладиган кечиктириб бўлмайдиган, бирламчи ва

яқунловчи чора-тадбирларни, уларнинг сабаб ва шарт шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларига ҳам эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бинобарин, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ талончилик жинояти учун жавобгарликни такомиллаштириш, уни квалификация қилиш билан боғлиқ масалалар, талончиликнинг турлари билан боғлиқ масалалар, назария ва амалиётда учрайдиган муаммолар, талончилик жинояти учун жазо масалалари таҳлил қилиш лозим бўлади.

Талончилик жиноятига оид муаммоларнинг турли жиҳатлари мажмуини муайян изчилликда умумлаштириб таҳлил этишга асосланган бўлиб, бу усул талончилик жинояти учун жавобгарликни такомиллаштиришда илмий мушоҳада қилиш, шунингдек уни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Шу билан бирга талончилик билан боғлиқ амалиётда учрайдиган баъзи муаммоларнинг ечимига қаратилган фикрлар билдиришга қаратилган.

Юқорида кўрсатилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда уларни ҳал этиш қуйидагилар билан таъминланади: Суд-тергов амалиётида талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган, хусусан, талончилик жиноятини квалификация қилишдаги муайян хато ва камчиликларни ягона ёндашув асосида баҳо беришга ҳамда процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Билдирилган фикрларимизнинг мантикий яқуни сифатида талончилик жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, мазмун ва моҳиятини, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларга салбий таъсирини инобатга олган ҳолда илмий таҳлил қилиш, мазкур жиноят учун жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд. Ушбу эҳтиёжларни ҳал қилиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилиб, тадқиқот натижаларида умумназарий хулосалар, жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоғи зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси; Т; Ўзбекистон – 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Жноят кодекси. Т; Адолат - 2023 йил.
3. Ш.М.Мирзиёев. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир.
4. <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ) сайти.
5. <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) сайти
6. <https://stat.sud.uz/> (Ўзбекистон Республикаси олий суди) интернет сайти.
7. <https://xabar.uz/jamiyat/ozbekistonning-qaysi-hududlarida-jinoyat> интернет сайти.